

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI  
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA INSTITUTI (TIMI)**

**“Gidromelioratsiya” fakulteti**

**“Qishloq xo‘jaligi gidrotexnik  
melioratsiyasi” kafedrasi**

**Himoyaga ruhsat berildi**

**Kafedra mudiri \_\_\_\_\_ dots.Begmatov I.A.**

**« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013 y.**

**Бакалавр даражасини олиш учун  
BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

**Мавзу:** «Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Отабек замин»  
фермер хўжалиги боғзорларида томчилатиб суғоришни ишлаб чиқиш»

**Бажарди:**

**Джуманиязова Л.**

**Раҳбар:**

**доц. Мухамедов А.К.**

**ТОШКЕНТ – 2013**

# ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

\_\_\_\_\_ ГМ \_\_\_\_\_ факультети КХГМ кафедраси  
\_\_\_\_\_ СХМ \_\_\_\_\_ йўналиши 4 курс 6 гуруҳ

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

2013 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Джуманиязова Л.

**1. Битирув ишининг мавзуси** «Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Отабек замин» фермер хужалиги богзорларида томчилатиб сугоришни ишлаб чиқиш»  
**Институтнинг "3" декабрь 2012 й. № 645/т сонли буйруғи билан тасдиқланган.**

**2. Битирув ишини топшириш муддати** «\_\_» \_\_\_\_\_ 2013й.

**3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар** УзПИТИ, ТИМИ, Узсувлойиха, И ва СМТИИ маълумотлари

**4. Хисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)**

Кириш \_\_\_\_\_

Умумий қисм \_\_\_\_\_

Техник қисм \_\_\_\_\_

ГМИТ \_\_\_\_\_

ТМК \_\_\_\_\_

ХФХ \_\_\_\_\_

Иқтисодий қисм \_\_\_\_\_

**5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)**

Бош план \_\_\_\_\_

Тупрок – мелиоратив харита \_\_\_\_\_

Келтирилган гидромодул графиги \_\_\_\_\_

ГМИТ \_\_\_\_\_

ХФХ \_\_\_\_\_

Техник иқтисодий курсаткичлар \_\_\_\_\_

**6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар:**

| №  | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи<br>ф.и.о. | Имзо, сана          |                       |
|----|---------------|----------------------|---------------------|-----------------------|
|    |               |                      | Топшириқ<br>берилди | Топшириқ<br>бажарилди |
| 1. | Техник қисм   | Мухамедов А.         |                     |                       |
| 2. |               |                      |                     |                       |
| 3. |               |                      |                     |                       |
| 4. |               |                      |                     |                       |

**7. Битирув ишини бажариш режаси:**

| №  | Битирув иши<br>босқичларининг номи | Бажарилиш<br>муддати<br>(сана) | Текширувдан<br>ўтганлик<br>муддати |
|----|------------------------------------|--------------------------------|------------------------------------|
| 1  | Маълумотлар туплаш                 |                                |                                    |
| 2  | Кириш                              |                                |                                    |
| 3  | Умумий қисм                        |                                |                                    |
| 4  | Техник қисм                        |                                |                                    |
| 5  | ГМТФ                               |                                |                                    |
| 6  | ГТИ                                |                                |                                    |
| 7  | ГМИТ                               |                                |                                    |
| 8  | ТМК                                |                                |                                    |
| 9  | ХФХ                                |                                |                                    |
| 10 | Иқтисодий қисм                     |                                |                                    |
| 11 | Дастлабки химоя                    |                                |                                    |
| 12 |                                    |                                |                                    |
|    |                                    |                                |                                    |
|    |                                    |                                |                                    |

Битирув иши раҳбари:           Мухамедов А. \_\_\_\_\_

Топшириқни бажаришга олдим \_\_\_\_\_

Топшириқ берилган сана   «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 й.

| <b>МУНДАРИЖА</b> |                                                                         | <b>бет</b> |
|------------------|-------------------------------------------------------------------------|------------|
|                  | Кириш                                                                   | 6          |
| 2                | Умумий қисм.                                                            | 12         |
| 2.1              | Жойлашган урни ва чегаралари.                                           | 12         |
| 2.2              | Иклим шароитлари.                                                       | 12         |
| 2.3              | Тупрок шароитлари                                                       | 13         |
| 2.4              | Геологик ва гидрогеологик шароитлар                                     | 13         |
| 3                | Техник қисм                                                             | 17         |
| 3.1              | Майдоннинг ташкил қилиниши ва хўжаликнинг ер фонди.                     | 17         |
| 3.2              | Суғориш шахобчаларини лойиҳалаш                                         | 17         |
| 3.3              | Гидромодул районлаштириш ва экинларнинг суғориш<br>режими.              | 17         |
| 3.4              | Суғориш усуллари ва техникаси                                           | 19         |
| 3.5              | Фермер хўжалиги ички суғориш тармоқларининг сув<br>сарфларини белгилаш. | 24         |
| 3.6              | Боғ, узумзорларни томчилатиб суғориш ҳисоби.                            | 24         |
| 3.7              | Томчилатиб суғоришнинг гидравлик ҳисоби                                 | 28         |
| 3.8              | Томчилатиб суғориш учун насос агрегатини танлаш                         | 29         |
| 3.9              | Йўл тармоқларини, далани ҳимояловчи дарахт қаторларини<br>лойиҳалаш.    | 29         |
| 3.10             | Гидротехник иншоотларни лойиҳалаш.                                      | 31         |
| 4                | Томчилатиб суғориш тизимларини қуриш технологияси.                      | 33         |
| 4.1              | Объектнинг қурилиш муддатини аниқлаш.                                   | 34         |
| 4.2              | Томчилатиб суғориш тизимини қуриш.                                      | 34         |
| 5                | Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда хавфсизлик<br>техникаси          | 40         |
| 5.1              | Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда хавфсизлик<br>техникаси          | 44         |
| 5.2              | Меҳнат муҳофазаси                                                       | 45         |

|     |                                                                            |    |
|-----|----------------------------------------------------------------------------|----|
| 6   | Табиатни муҳофаза қилиш                                                    | 53 |
| 7   | Иқтисодий қисм                                                             | 56 |
| 7.1 | Мелиоратив тадбирларга сарфланадиган капитал қўйилмалар миқдорини аниқлаш. | 60 |
| 7.2 | Ялпи маҳсулот ва унинг қийматини аниқлаш.                                  | 62 |
| 7.3 | Мелиоратив харажатларни аниқлаш                                            | 63 |
| 7.4 | Таннархни, соф даромадни ва самарадорликни аниқлаш                         | 65 |
| 7.5 | Рентабеллик даражасини аниқлаш                                             | 66 |
| 8   | Фойдаланилган адабиётлар.                                                  | 69 |
| 9   | Интернет маълумоти                                                         | 71 |

## Кириш

Кейинги йилларда республикада юзага келган сув танқислигини эътиборга олганда сувдан суғоришда тежаб фойдаланиш, суғоришда сув сарфини камайтириш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун суғоришда тежамкор суғориш усуллари, техника ва технологияларини қўллаш яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 ва 2009 йилги бир қатор Қарорларида вилоятларда томчилатиб суғориш тизимларини яратиш тўғрисида таъкидланган. 2009 йилда 3710 га майдонда томчилатиб суғориш тизимларини қуриш режалаштирилган. Бунда 80% га яқин ерларда пахта ва ғалла экинлари жойлаштирилади ва қолган оғир рельефли ва катта нишабли ерларда (20% га яқини) боғ ва токзорларга мўлжалланган.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008–2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора–тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш” бўйича тадбирларга жами 213,4 млрд. сўм, 142,5 млн. доллар миқдорида харажатлар режалаштирилган.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш – ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ва қишлоқ хўжалигига экинлари ҳосилдорлигини, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш тва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт–шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисидаги” ПФ 3932–сонли Фармони қабул қилинди. Фармоннинг ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилган, жумладан:

1. Мелиорация ишларини молиялаштиришнинг принципал янги механизмини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ – 718–сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти ташкил этилган.

2. Мелиоратив техниканинг кўп профилли мавжуд паркни янгилаш ва шакллантиришни рағбатлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ташкилотларига замонавий мелиорация техникаси ва асбоб–ускуналарини етказиб берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266–сонли қарори билан давлат унитар корхонаси шаклидаги ихтисослаштирилган “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этилган. “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан олиб келинаётган мелиорация техникалари, машиналари ва бошқа механизация воситалари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер халикларига 10 йил муддатга лизингга берилмоқда.

3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган мелиорация тизимларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш комплекс тадбирларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги “2008–20012 йилларда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ – 817–сонли қарори қабул қилинган.

4. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини

ривожлантириш, уларнинг моддий–техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги “Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора–тадбирлари тўғрисида” ги 92– сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилган. Мазкур қарор бўйича Давлат унитар корхоналарига 378 дона экскаваторлар, 69 дона бульдозерлар, 58 дона ёпик–ётиқ зовур–дренаж тармоқларини ювувчи агрегатлар, 57 дона трейлерлар ва бошқа машина ва механизмлар ажратиб берилган.

5. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини сифатли шакллантиришни ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги 261–сон қарори қабул қилинган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари доирасида тасдиқланган Давлат дастури бўйича 2012 йилгача, беш йил давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига жами 605 млрд. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган.

Жамғарма маблағлари ҳисобига “Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан дастур доирасида 1258 донадан ортиқ мелиоратив техника , машина ва бошқа механизм воситалари харид қилинган. Жумладан, 528 дона экскаватор, 144 дона бульдозер ва 586 дона бошқа турдаги техника ва механизмлар лизинг асосида етказиб берилган.

2012 йилга келиб Республика миқёсида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга камайган, мелиорация тадбирлари амалга оширилган

майдонларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2–3 центнерга кўпайган.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали–бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012–йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012–йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011–йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

2012–йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011–

йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан–тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

2012–йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб–териб олинди.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ деярли бирорта масала фермерлар кенгашларининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.

2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалланинг барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, картошкачилик, сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачиликни жадал ривожлантириш учун барча зарур шарт–шароитлар яратилди.

2013–йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник

ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор.

Бу борада 2013–йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

2013–йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй–жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутди.

Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй–жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш – бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно–мазмунини ташкил этади.

Малака битирув ишида Пискент туманидаги «Отабек замин» фермер хўжалиги ерларида етиштириладиган экинларни суғоришда сувни тежаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, томчилатиб суғориш усулини жорий этиш кўзда тутилган.

## 2 Умумий кисм.

### 2.1 Жойлашган урни ва чегаралари.

«Отабек зомин» фермер хўжалиги Тошкент вилояти Пискент туманида Тошкент шахридан 42 км узоқликда жойлашган. Фермер хўжалигининг ер майдони 182 га. га тенг.

### 2.2 Иклим шароитлари.

Иклими ута мутадил ва кургокчилиги билан тавсифланади, шунингдек вегетация даврида иссиқлик ва ёруғлик анча юкори.

Киш даврида шимолий –гарб томондан совук хаво оками кириб келади.

Энг совук ой – январь, ўртача ойлик харорат  $-1,45^{\circ}\text{C}$

Абсолют минимал харорат  $-26^{\circ}\text{C}$ .

Энг иссиқ ой – июль, ўртача харорат  $-18,2-24,3^{\circ}\text{C}$ .

Энг максимал харорат  $-38-43^{\circ}\text{C}$ .

Хавонинг нисбий намлиги кенг оралигида ўзгаради. Март ойидан бошлаб у камайиб боради ва энг кам нисбий хаво намлиги июль ойида кузатилади. Хавонинг намлик такчили хам июль ойига тугри келади. Кор коплами калинлиги 10 см.га етади. Тупрокнинг музлаш чуқурлиги 0,4–0,5 м гача бўлади. Иклим шароитлари буйича худуд Ўрта Осиёнинг марказий иклим минтакасига киради. Бу ерда иклим хусусиятлари куйидагича:

1. Ёгиннинг камлиги, уларнинг куп кисми киш, бахор даврига тугри келади.
2. Ёз ойларида хаво хароратининг юкорилиги ва киш ойларида аёзлилиги.
3. Хавонинг юкори кургокчилиги ва ёзда бугланишнинг катталиги.
4. Шамол кучининг камлиги,тезлиги ўртача 1,5 м/сек,йил давомида доимийлиги.

Келтирилган иклим хусусиятлари кишлок хужалик экинларининг сугориш режимига ва нам ушлаш сугоришларини утказишга таъсир курсатади.

Йиллик ёгин микдори 300–400 мм.Худуд аёзсиз давр давомати куплиги билан ажралиб туради.1–жадвалда иклимнинг асосий курсаткичлари келтирилган.

### 2.2.1 жадвал. Иклим тавсифи

| Курсаткичлар                        | Ойлар |     |     |     |     |     |     |     |     |     |     |     | Жами |
|-------------------------------------|-------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|------|
|                                     | 1     | 2   | 3   | 4   | 5   | 6   | 7   | 8   | 9   | 10  | 11  | 12  |      |
| Атмосфера<br>ёғини, см.             | 40    | 48  | 62  | 70  | 36  | 6   | 2   | 12  | 1   | 69  | 30  | 26  | 400  |
| Ўртача ойлик<br>харорат, С          | 1,5   | 1,6 | 6,6 | 15  | 22  | 25  | 26  | 25  | 20  | 12  | −1  | −1  |      |
| Шамол<br>тезлиги, м/сек             | 1,3   | 1,6 | 1,7 | 1,6 | 1,5 | 1,4 | 1,3 | 1,3 | 1,4 | 1,2 | 1,2 | 1,2 |      |
| Ўртача ойлик<br>нисбий<br>намлик, % | 63    | 62  | 55  | 48  | 42  | 35  | 33  | 32  | 33  | 40  | 53  | 65  |      |

### 2.3 Тупрок шароитлари

Тупрок шароитлари харитада келтирилган.

### 2.4 Геологик ва гидрогеологик шароитлар

Фермер хўжалиги худуди тупроклар аллювиал галечниклардан тузилган, уларнинг устида 0,9–2,3 м. калинликли майда заррачали грунтлар жойлашган.

Устки грунтлар ўрта ва оғир кумокдан иборат, ранги оч кунгирдан тук кунгиргача ўзгаради, уларнинг таркибида усимлик илдизлари учрайди.

Остки галечник катлами юзаси нотекис, улар хар жойда линза шаклида ётади, галка айлана ва овал шаклида ва силлик юзали. Кум фракциялари асосан майда заррали, юкори каватда гил зарралари аралашган. Чуқурлашган сайин гил зарралари камайиб боради ва тоза кум зарралари жойлашган. 1,5–2,5 м. гача ётган йирик заррали грунтларнинг фракцион таркиби куйидагича: 80 мм улчамли фракция 7%, 40–80 мм – 15%, 20–40 мм – 26–32%, 10–20 мм – 13–20%, 5–10 мм – 15–16%, 5 мм. дан кичик – 16–17%.

Майда заррали катлам ўрта ва оғир кумокдан иборат. Уларнинг механик таркиби: кум зарралари – 13–36,7%, чанг – 14–43%, гил – 15–40 %. Ўртачалаштирилган таркиби: кум зарралари – 13,4%, чанг – 60,8 %, гил – 25,8%.

Фермер хўжалиги майдонида сувли катламлар булиб галечниклар ва пастки кумок катламлар ҳисобланади. Грунт сувлари чуқурлиги 1,1 дан 3 м.гача. Грунт сувлари оками ва нишаблиги шимолий–ғарб томонга, Чирчик дарёси ва унинг водийси томонга унаган. Грунт сувлари сатҳи нишаблиги ер сатҳи нишаблигига тугри келади. 1,3–2 м чуқурликдаги тупрокнинг табиий намлиги 17–19%. 1,1–1,5 м чуқурликдаги тупрокда енгил эрийдиган тузлар микдори 0,059–0,113 мг/экв га тенг, хили сульфатли–кальцийли ва гидрокарбонатли–кальцийли тузлардан иборат. Грунт сувлари тузсиз, минерализацияси 0,38–0,39 г/л, купинча гидрокарбонатли–кальцийли таркибли. Грунт сувлари сатҳи йил давомида 1–1,5 м ораликда ўзгариб туради. Октябр ойида улар энг чуқур ҳолатда, апрелдан августгача энг саёз жойлашган.

Грунтавий оким тоғ томондан келувчи ер ости оками, шунингдек, ер устидан ва сугориш далаларидан бўладиган инфильтрация ва сугориш тармоқларидан бўладиган фильтрация сувлари ҳисобига шаклланади.


Майдоннинг литологик қирқими ва гидрогеологик шароитларини ҳисобга олиб, грунт сувлари сатҳини меъёргача тушириш учун горизонтал зовурлар куриш мақсадга мувофиқ.

ЎзПИТИ маълумотлари ва тавсияларига кўра ушбу ҳудуддаги оғир тупрок шароитларида грунт сувлари сатҳини 1,5–1,8 м.да ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

## **2.5 Хулоса**

Табиий шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, хўжалик ҳудудида тупроқ ва бошқа шароитлар турлича. Сув танқислиги шароитида илмий асосланган алмашлаб экишни қўллаш, агротехник ва гидротехник тадбирларни самарали қўллаш, сугориш тармоқларини қайта тузиш ва куриш талаб этилади.

Битирув ишида боғзор майдонларини томчилатиб сугориш жорий этиш тавсия этилади,



ХЎЖАЛИКНИНГ ТУПРОҚ-МЕЛИОРАТИВ ЭКПЛИКАЦИЯСИ

| Туп<br>рок<br>хили | Механик таркиби |                 |                 | Шўрланиш<br>даражаси | Грунт сувлари<br>чуқурлиги<br>м | Грунт<br>сувлар<br>минера<br>лиза<br>цияси, г/л | Брутто<br>майдони<br>га |
|--------------------|-----------------|-----------------|-----------------|----------------------|---------------------------------|-------------------------------------------------|-------------------------|
|                    | 0 – 30 см       | 30 – 100<br>см  | 100–200<br>см   |                      |                                 |                                                 |                         |
| 1                  | Ўртача<br>кумок | Ўртача<br>кумок | Енгил<br>кумок  | Шўрлан<br>маган      | 1 - 3                           | 1 - 3                                           | 32                      |
| 2                  | Ўртача<br>кумок | Енгил<br>кумок  | Галечник        | Шўрлан<br>маган      | 3- 5                            | 1 - 3                                           | 41                      |
| 3                  | Оғир<br>кумок   | Енгил<br>кумок  | Ўртача<br>кумок | Шўрлан<br>маган      | 2 – 3                           | 1 - 3                                           | 53                      |
| 5                  | Енгил<br>кумок  | Оғир<br>кумок   | Енгил<br>кумок  | Кам                  | 1 - 3                           | 1 - 3                                           | 47                      |

## Т О П Ш И Р И Қ

1. Фермер хўжалигининг ер майдони неттоси, га \_\_\_\_ 168 \_\_\_\_

2. Йўналиши \_\_\_\_ боғдорчилик \_\_\_\_

3. Экинлар жойлашуви, % \_\_\_\_ пахта \_\_\_\_ 42 \_\_\_\_

\_\_\_\_ Ғалла \_\_\_\_ 40 \_\_\_\_

\_\_\_\_ Такрорий экинлар \_\_\_\_ 21 \_\_\_\_

\_\_\_\_ Боғзор \_\_\_\_ 18 \_\_\_\_

4. Ҳосилдорлик, ц/га \_\_\_\_ пахта \_\_\_\_ 28 \_\_\_\_

\_\_\_\_ буғдой \_\_\_\_ 52 \_\_\_\_

\_\_\_\_ бошқа экинлар \_\_\_\_ 92 \_\_\_\_

\_\_\_\_ такрорий экинлар \_\_\_\_ 48 \_\_\_\_

Раҳбар, имзо

Мухамедов А.

### 3 Техник қисм

#### 3.1 Майдоннинг ташкил қилиниши ва хўжаликнинг ер фонди.

Фермер хўжалигига бириктирилган ер майдони – 182 га.  
Суғоришга лаёқатли майдони бруттоси – 182 га  
Суғоришга лаёқатли ер майдони неттоси – 168 га  
ЕФК = 0,92

Хўжаликдаги экинлар тури бўйича майдон ер фондини тузамиз (3.1.1–жадвал).

Жадвал 3.1.1 Хўжаликдаги экинлар тури бўйича майдон ер фонди.

| Экин турлари | Нетто майдони, га | Фоиз миқдори, % |
|--------------|-------------------|-----------------|
| Пахта        | 71                | 42              |
| Бугдой       | 67                | 40              |
| Боғ, узумзор | 30                | 18              |
| Такрорий     | 35                | 21              |
| Жами:        | 168               | 100             |

#### 3.2 Суғориш шахобчаларини лойиҳалаш

Хўжалик учун суғориш нуқталари сони 3 тадан ошмаслиги талаб қилинади. Ҳар бир майдон турига ва алмашлаб экиш массивларига, далалар ер тузилиши, тупроқ, гидрогеологик, геологик шароитларини эътиборга олиб, майдон тузилиши бўйича лойиҳаланилади. Бирлаштирувчи тармоқлар узунлиги 2 км дан ошмаслиги керак. Участка тақсимлагичлари узунлиги 1000–1200м дан кам бўлиши шарт. Суғориш далаларининг оптимал узунликлари 500–800 м қилиб лойиҳаланиши зарур.

#### 3.3 Гидромодул районлаштириш ва экинларнинг суғориш режими.


Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш режимини “Уздавсумелиолойиҳа–институти” тавсия этган гидромодул районлаштириш асосида қабул қиламиз. Унга кўра майдонни иқлим шароитлари бўйича иқлим зонасига киритамиз М–2–В. Тупроқни пайдо бўлиш шароитлари бўйича «В» типдаги тупроқ минтақасига киради.

Гидрогеологик шароитлар бўйича «б» гидрогеологик областига қарашлидир. Тупроқнинг механик таркиби ва грунт сувларининг лойихавий чуқурлиги бўйича V гидромодул районини белгилаймиз. Юқоридаги районлаштириш бўйича қишлоқ хўжалик экинларнинг суғориш режимини танлаймиз.

Жадвал 3.3.1 Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш режими.

| Экин тури ва майдон фоизи | Ойлар | Давомати, кун | Ойлар бўйича тақсимланиши |                      | Суғориш гидромодули, л/сек.га | Келтирилган гидромодул, л/сек.га |
|---------------------------|-------|---------------|---------------------------|----------------------|-------------------------------|----------------------------------|
|                           |       |               | %                         | м,м <sup>3</sup> /га |                               |                                  |
| Пахта, 42                 | 6     | 24            | 21                        | 966                  | 0,406                         | 0,196                            |
|                           | 7     | 31            | 39                        | 1426                 | 0,532                         | 0,224                            |
|                           | 8     | 31            | 33                        | 1518                 | 0,567                         | 0,238                            |
|                           | 9     | 10            | 7                         | 322                  | 0,373                         | 0,157                            |
|                           | Жами  | 96            | 100                       | 4600                 |                               |                                  |
|                           |       |               |                           |                      |                               |                                  |
| Бугдой, 40                | 9     | 15            | 19                        | 551                  | 0,425                         | 0,170                            |
|                           | 11    | 20            | 18                        | 522                  | 0,302                         | 0,121                            |
|                           | 3     | 20            | 18                        | 522                  | 0,302                         | 0,121                            |
|                           | 4     | 15            | 25                        | 725                  | 0,559                         | 0,224                            |
|                           | 5     | 10            | 20                        | 580                  | 0,671                         | 0,269                            |
|                           | Жами  | 76            |                           | 2900                 |                               |                                  |
| Боғ, узумзор, 18          | 5     | 16            | 8                         | 352                  | 0,254                         | 0,046                            |
|                           | 6     | 30            | 26                        | 1144                 | 0,441                         | 0,079                            |
|                           | 7     | 31            | 32                        | 1408                 | 0,525                         | 0,095                            |
|                           | 8     | 31            | 29                        | 1276                 | 0,476                         | 0,086                            |
|                           | 9     | 5             | 5                         | 220                  | 0,509                         | 0,092                            |
|                           | Жами  | 113           | 100                       | 4400                 |                               |                                  |
| Такрорий экинлар, 21      | 6–7   | 20            |                           | 800                  | 0,463                         | 0,097                            |
|                           | 7     | 16            |                           | 900                  | 0,651                         | 0,137                            |
|                           | 8     | 31            |                           | 1000                 | 0,373                         | 0,067                            |
|                           | 9     | 30            |                           | 800                  | 0,309                         | 0,065                            |
|                           | 10    | 15            |                           | 700                  | 0,540                         | 0,113                            |
|                           | Жами  | 112           |                           | 4200                 |                               |                                  |

Жадвал 3.3.2 Келтирилган гидромодул қайдномаси



Расм 3.3.1 Келтирилган гидромодул графиги

### 3.4 Суғориш усуллари ва техникаси

Лойиҳанинг умумий кисмида келтирилган табиий хўжалик шароитлари бўйича техник экинларни суғоришни ер юзасидан қабул қиламиз. Эгатлаб суғоришда ер нишаблиги 0,007 дан кам бўлгани учун бўйлама суғориш

тузилмасини белгилаймиз суғориши техникаси элементларини Тупроқ сув ўтказувчанлиги га ва ўртача ер нишаблигига қараб белгилаймиз (П,70 бет)

Ўғзани эгатлаб суғоришда суғориш техникаси элементларини қабул қиламиз:

- Эгат узунлиги – 170 м
- Эгатга сув сарфи – 0,5 л/сек
- Эгатлар оралиги – 0,6 м

Ғаллани поллаб суғоришда суғориш техникаси элементларини қабул қиламиз:

- Пол узунлиги – 80 м,
- Полга сув сарфи – 3,0 л/сек,
- Пол эни – 6 м.

Боғ,узумзор майдонларида томчилатиб суғориш усулини кўзда тутамиз.

### **Томчилатиб суғориш тизими**

Томчилатиб суғориш бошқа суғориш усуллариغا нисбатан қуйидаги устунликларга эга:

- Томчилатиб суғориш эгатлаб суғоришдан фарқ қилган ҳолда барча суғориладиган майдонларда тузилмаларни бузмасдан ва юқори горизонт тупроқларининг сув ва физик, физик ва механик хоссаларини мураккаблаштирмасдан, сувни бир хил тақсимлаш ҳисобига юқори сифатли суғоришнинг технологик жараёнини;
- Юқори горизонт тупроқларига тузларни жадал кўчишига йўл қўймай, мустасно қилувчи тупроқ намлиги даражасини ўзгаришининг кичик диапазонини яратади;
- Вегетация давомида кенг доирада йилнинг иқлим шароитларига боғлиқ равишда сув беришнинг ўзгариш имконини;
- Тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун суғориш суви билан минерал ўғитлар, микроэлементлар ва кимёвий мелиорантларни дозаланган миқдорда солишни;

- Ташлама ва чуқур фильтрация сувларини йўқотишларига йўл қўймайди ва суғориш техникаси ФИКнинг максимал имкониятли қийматини 0,98 га етказади;

- Автоматлаштириш ва микрожараёнли техника воситаларидан фойдаланиш асосида юзага келган иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориш муддатлари ва меъёрларида қатъий маҳкам туриш, мақбуллаштириш ва суғоришни тезкор бошқаришни.

Бироқ, томчилатиб суғориш тизимини ёмғирлатиб суғоришдан кейинги маблағ талаб ва ҳажмдор энергияли деб ҳисоблаш зарур.

Томчилатиб суғориш тизими суғориш сувининг сифатига ҳам минералланиш, ҳам органик моддалар суспензияси таркиби бўйича юқори талабларни қўяди, ҳамда томчилатиб суғориш тизими ва асосий узеллари бўйича хизмат қилувчи мутахассисларни юқори малакада тайёрлаш заруриятини талаб қилади.

Шуни қайд қилиш керакки, тизимнинг ишлаш қобилияти электр энергия мавжудлиги (электр насослар учун) ва ёнилғига (дизел насослар учун) ҳамда тизимни функциялашда доимий назорат, ишга яроқсиз томизғичларни тезкор алмаштириш, вегетация даврида филтр ва қувурларни серлойқа фракциялардан профилактик ювишга боғлиқдир.

Томчилатиб суғоришнинг юқори қиймати, бизнинг ҳисоб – китоблар бўйича 5– 10 йилда қопланади.

Томчилатиб суғоришда сув қувур ва томчилатгичлар орқали босим остида илдиз тизими зонасига берилади. Намлаштириш нуқтали ва чизиқли бўлади. Шунинг учун маҳаллий суғориш ҳам дейилади. Кўпинча боғларни, узумзорларни, сабзавот ва полиз экинларини суғоришда самарали қўлланилмоқда.

Афзалликлари:


- суғоришда кам меҳнат талаб қилади;
- буғланишга, филтрацияга, сув кам исроф бўлади;
- тупроқ структураси яхши сақланади;

- ўғитни сув билан бериш мумкин;
- суғориш нормаси камаяди;
- ЕФК юқори бўлади, эрозия булмайди, автоматлаштиришга қулай.

Камчилликлари:

- қурилиш харажатлари юқорилиги;
- сув сифатига юқори талаб қўйиши, тозалаш зарурлиги;
- микроиклимни яхшиламаслиги;
- полимер қувурлар тез ишдан чиқиши;
- босим талаб қилиши.

Ҳозирги даврда Украина, Молдавия, Узгипроводхоз, «Водполимер», «Горная» туркумидаги, чет элларда Триклон, Диамонд, Кей–Эмиттер, Нетафим туркумидаги ва бошқа томчилатгичлар кенг қўлланилмоқда, Биз лойиҳа бўйича Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “Узгипроводхоз – 2” томчилатгичини қабул қилдик.



Расм 3.4.1 “Узгипроводхоз – 2” томчилатгичи (а) ва унинг сарф – босим тавсифи (в).

1 – юқори қопқоғи; 2,5,8 – игначалар; 3 – сузгич – босим сўндиргич; 4 – юқори камера ғилофи; 6 – қуйи камера ғилофи; 7 – сузгич – сув сарфи тўғрилағич; 9 – ниппель тешиги диаметри, мм.

Томчилатиб суғоришда бир суткада бериладиган суғориш нормаси қуйидагича аниқланади:

$$M_c = 10 k_1 k_2 k_3 E: \quad \text{м}^3/\text{га сут.}$$

бу ерда:  $E$ —даланинг суткали сув сарфи,  $\text{м}^3/\text{га сут.}$


$k_1$  – коэффицент, умумий буғланишнинг буғланишга нисбатига тенг, тупроқ, иклим, экин тури, фазасига, экин ва томчилатгичлар жойлашиш схемасига, тузилмасига боғлиқ.

$k_2$  – суғориш вақтида буғланишга сув сарфини характерловчи коэффицент.

$k_3$ — ювилишни ҳисобга олувчи коэффицент.

$k_1 k_2 k_3$  тажриба йули билан аниқланади.

Тупроқдаги намлик тақчили ва дарахтлар сониги боғлиқ ҳолда суғориш меъёрини номограммалар ёрдамида аниқлаш мумкин (Расм 3.4.2 ).



Расм 3.4.1.2 Тупроқдаги намлик тақчили ва дарахтлар сониги боғлиқ суғориш меъёрини аниқлаш учун номограмма.

Томчилатиб суғоришни қўллаш қуйидаги масалаларни ечишни талаб қилади:

1. Технологик жиҳатдан кичик фермер хўжаликлари учун (10–100 га) томчилатиб суғоришнинг оддий тизимларини яратиш ва ишлаб чиқиш.

2. Иқтисодий жиҳатдан сувни тежаш ҳисобига сувчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш.

3. Ташкилий жиҳатдан сервис хизматини, эҳтиёт қисмларини яхшилаш, кадрлар малакасини ошириш ва х.к.

Томчилатиб суғориш тизими доимий ёки вақти–вақти билан ишлайдиган бўлиши мумкин.

### **3.5 Фермер хўжалиги ички суғориш тармоқларининг сув сарфларини белгилаш.**

Фермер хўжалиги учун зарур бўлган сув сарфини аниқлаймиз :

а) нормал сув истеъмолида

$$Q_x^H = \omega_x^{\text{нет}} \cdot Q_{\text{мах}} = 163 \cdot 0,54 = 88 \text{ л/сек.}$$

бу ерда:  $\omega_x^{\text{нет}}$  –хўжаликнинг нетто майдони, га

$Q_{\text{мах}}$  –келтирилган гидромодулнинг максимал миқдори, л/с га

б) Минимал сув истеъмолида

$$Q_x^M = k \omega_x^{\text{нет}} \cdot Q_{\text{мин}} = 163 \cdot 0,216 = 35,2 \text{ л/сек.}$$

бу ерда:  $Q_{\text{мин}}$  –келтирилган гидромодулнинг минимал миқдори, л / с га.

$$Q_{\text{мин}} = 0,4 \cdot Q_{\text{мах}} = 0,4 \cdot 0,54 = 0,216 \text{ л/с. га.}$$

Намунавий далага сув тақсимлаб берадиган участка тақсимлагичи сув сарфини белгилаймиз:

$$Q_{y.t}^{\text{нет}} = \frac{Q_{\text{икт}}^{\text{нет}}}{n_{y.t}} = \frac{88}{1} = 88 \text{ л / сек.}$$

$n_{y.t}$  – бир даврда ишлайдиган участка тақсимлагичлари сони

### **3.6 Боғ, узумзорларни томчилатиб суғориш ҳисоби.**

Боғ ва узумзор майдонини 2 та модул майдончасига бўламиз. Ҳар бир модул майдончасининг майдонини 5 га дан қабул қиламиз.

Ҳар бир модул майдончасини юқорида келтирилган томчилатиб суғориш тизими бўйича суғориш кўзда тутилган.

Томчилатиб суғоришда бир суткада бериладиган суғориш нормаси қуйидагича аниқланади:

$$M_c = 10 k_1 k_2 k_3 E: \quad \text{м}^3/\text{га сут.}$$

бу ерда:  $E$ —даланинг суткалик сув сарфи,  $\text{м}^3/\text{га сут.}$


$k_1$  — коэффициент, умумий буғланишнинг буғланишга нисбатига тенг, тупроқ, иқлим, экин тури, фазасига, экин ва томчилатгичлар жойлашиш схемасига, тузилмасига боғлиқ.

$k_2$  — суғориш вақтида буғланишга сув сарфини характерловчи коэффициент.

$k_3$  — ювилишни ҳисобга олувчи коэффициент.

$k_1 k_2 k_3$  тажриба йўли билан аниқланади.

Томчилаб суғориш системасининг схемаси 3.6.1 расмда келтирилган.



**Расм 3.6.1 Томчилатиб суғориш тузилмаси.**

1- сув олувчи узел. 2- босим яратувчи узел. 3- бош задвижка. 4- фильтр. 5- сув ўлчовчи қурилма. 6- манометр. 7- минерал ўғит берувчи қурилма. 8- алоқа каналлари. 9- магистрал қувур. 10- тақсимловчи қувур. 11- дистанцияли бошқарувчи задвижка. 12- суғорувчи қувур. 13- томчилатгичлар. 14- датчик. 15-бошқариш пульти.

Боғ, узумзор майдонлари томчилаб суғориш модул майдончаларига бўлинади. Уларнинг майдонини 5 га дан қабул қиламиз.

Боғларда экинлар орасидаги масофа квадрат шаклида 6х6м, узумзорларда эса 3х2м га тенг. Томчилатиб суғориш модул майдончаси суғориш қурилмасини лойиҳалаймиз.

Суғориш найчасининг оралиги қатор оралигига тенг, томчилатгичларнинг ўзаро оралиги экинлар орасидаги масофага тенг бўлади. Томчилатиб суғоришдаги сув бериш миқдорини қуйидагича аниқлаймиз.

$$M_0 = 0,67 \cdot \gamma \frac{P^* \partial}{4} h (\beta_T - \beta_0) : \text{м}^3$$

бу ерда:  $\beta_T$  – тупроқнинг тула дала нам сизими  $\beta_T = 28 \%$ .

$\beta_0$  – тупроқнинг суғоришдан олдинги намлик миқдори  $\beta_0 = 19 \%$ .

h – тупроқнинг намланадиган чуқурлиги  $h = 0,5 \text{ м}$ .

d – намланишнинг юза буйича ўлчами ,боғлар учун  $d = 3,0 \text{ м}$ .

Токзор учун  $d = 1,0 \text{ м}$ .  $\wp$  – тупроқнинг ҳажмий оғирлиги,  $\wp = 2,68 \text{ т/м}^3$ .

$$M_0 = 0,67 \cdot 2,68 \cdot \frac{3,14 \cdot 3^2}{4} \cdot 0,5 \left( \frac{28-19}{100} \right) = 0,57 \text{ м}^3.$$

Томчилатиб суғориш муддати.

$$T = \frac{1000 \cdot M_0}{nq} : \text{соат}.$$

бу ерда: n – битта экинга қуйилган томчилатгич сони, дона.

q – бир томчилатгичнинг сув сарфи, л/с.

$$T = \frac{1000 \cdot 0,57}{4 \cdot 4,1} = 35 \text{ соат}.$$

1–чи майдонга бир галги сув бериш учун кетадиган сув миқдори.

$$M = N \cdot M_0 : \text{м}^3 / \text{га}.$$

N – 1 га суғориш майдонидаги экинлар сони.

$$m = 278 \times 0,57 = 158,5 \text{ м}^3 / \text{га}.$$

$$N = \frac{10000}{6 \times 6} = 278 \text{га}.$$

1 га майдонга сарф бўладиган мавсумий сув бериш миқдори.

$$M = m \cdot k \quad \text{м}^3 / \text{га}.$$

$k$ – мавсумдаги сув беришлар сони.

Ўзбекистон сув хўжалиги иншоотларини лойихалаш ва илмий текшириш институтининг тавсияларига кўра боғлар учун:  $K = 25$ , токзорлар учун  $K = 20$  қабул қиламиз.

$$\text{Боғлар учун: } M_m = 158,5 \times 25 = 3962 \text{ м}^3 / \text{га}.$$

$$\text{Узумзор учун: } M_m = 158,5 \times 20 = 3169 \text{ м}^3 / \text{га}.$$

Суғориш найчасининг сув сарфи.

$$Q_{c-n}^{\text{нет}} = Q_{\text{том}} \cdot n$$

буерда:  $Q_{\text{том}}$ – томчилатгичнинг сув сарфи : л / с

$n$  – томчилатгичларнинг сони, бир найдаги

$$Q_{c-n} = 4,1 \cdot 84 = 344 \text{ л / соат} = 0,095 \text{ л / сек}.$$

Дала қувурининг сув сарфи.

$$Q_{d-k}^{\text{нет}} = Q_{c-n}^{\text{нет}} \cdot n_{c-n} = 0,095 \cdot 20 = 1,9 \text{ л / сек}.$$

Модул майдончасининг сув сарфи.

$$Q_{m-l}^{\text{нет}} = 2 \cdot Q_{d-k}^{\text{нет}} = 2 \cdot 1,9 = 3,8 \text{ л / сек}$$

Тарқатувчи қувурнинг сув сарфи.

$$Q_{t-k}^{\text{нет}} = Q_{d-k}^{\text{нет}} \cdot n_{m-m}, \quad \text{л / сек}.$$

$n_{m-m}$  – бир намунавий тарқатувчи қувурдан сув оладиган дала қувурларининг сони .

$$Q_{t-k}^{\text{нет}} = 1,9 \times 4 = 7,6 \text{ л / сек}.$$

Шох қувур сув сарфи

$$Q_{sh-k}^{\text{ет}} = n_{t-k} \cdot Q_{t-k}^{\text{нет}} = 4 \times 7,6 = 30,4 \quad \text{л / сек}$$

Бош қувур сув сарфи

$$Q_{b-k}^{\text{ет}} = n_{sh-k} \cdot Q_{sh-k}^{\text{нет}} = 4 \times 30,4 = 121,6 \quad \text{л / сек}$$

Ёпик суғориш тармоқларининг брутто сув сарфларини аниқлаймиз, бунда ФИК қуйидагича қабул қиламиз.

Суғориш найчаси учун:  $\eta_{сн} = 0,998$

Дала қувури учун:  $\eta_{д*к} = 0,996$

Тарқатувчи қувур учун  $\eta_{т*к} = 0,994$

Шох қувур учун  $\eta_{ш*к} = 0,99$

Бош қувур учун  $\eta_{б*к} = 0,98$

Суғориш найи брутто сув сарфи:  $Q_{сн}^{бр} = \frac{O_{сн}}{2} = \frac{0,095}{0,998} = 0,0952 л / сек.$

Дала қувури брутто сув сарфи:  $Q_{дк}^{бр} = \frac{O_{дк}^{нет}}{2_{д*к}} = \frac{0,0952 * 20}{0,996} = 1,912 л / сек.$

Тарқатувчи қувур брутто сув сарфи:  $Q_{тк}^{бр} = \frac{O_{тк}^{нет}}{2_{т*к}} = \frac{1,912 * 4}{0,994} = 7,693 л / сек.$

Шох қувур брутто сув сарфи:  $Q_{шк}^{бр} = \frac{O_{шк}^{нет}}{2_{ш*к}} = \frac{7,693 * 4}{0,99} = 31,08 л / сек.$

Бош қувур брутто сув сарфи:  $Q_{бк}^{бр} = \frac{O_{бк}^{нет}}{2_{б*к}} = \frac{31,08 * 4}{0,98} = 126,86 л / сек$

### 3.7 Томчилатиб суғоришнинг гидравлик ҳисоби

Қувурларнинг гидравлик ҳисоби Жадвал 3.7.1 да кўрсатилган.

Жадвал 3.7.1 Қувурларнинг гидравлик ҳисоби.

| Қувур номи, тури | Сув сарфи,<br>л/сек | n     | ζ      | Материали  | d,<br>мм. |
|------------------|---------------------|-------|--------|------------|-----------|
| Суғориш найи     | 0,0952              | 0,012 | 0,002  | полиэтилен | 10        |
| Дала қувури      | 1,912               | 0,012 | 0,001  | Полиэтилен | 25        |
| Тарқатувчи қувур | 7,693               | 0,012 | 0,0015 | Полиэтилен | 50        |
| Шох қувур        | 31,08               | 0,012 | 0,001  | Полиэтилен | 75        |
| Бош қувур        | 126,86              | 0,012 | 0,0015 | полиэтилен | 100       |

Томчилатиб суғориш тизимидаги босим тушувларини аниқлаймиз:

1. Маҳаллий сув босими тушувлари қуйидагича ҳисобланади

$$h = JV/2g$$

J – маҳаллий қаршилик коэффиценти

V – сув оқими тезлиги

## 2. Қувурларнинг узунлиги бўйича босим тушувлари

$$h = \lambda V L / d 2g$$

$\lambda$  – узунлик бўйича ишқаланиш коэффиценти

d – қувур диаметри, м

Жадвал 3.7.2 Қувурлардаги босим тушувлари ҳисоби

| Т/р | Қувурлардаги босим тушуви | Маҳаллий | Узунлик бўйича | Жами  |
|-----|---------------------------|----------|----------------|-------|
| 1   | Томчилатгич               | 0,14     | –              | 0,14  |
| 2   | Суғориш найи              | 0,17     | 0,28           | 0,45  |
| 3   | Дала қувури               | 0,21     | 0,33           | 0,54  |
| 4   | Таркатувчи қувур          | 0,27     | 0,45           | 0,72  |
| 5   | Шох қувур                 | 0,31     | 0,49           | 0,80  |
| 6   | Бош қувур                 | 0,38     | 0,57           | 0,964 |
|     | Жами                      | 1,48     | 2,09           | 3,57  |

## 3.8 Томчилатиб суғориш учун насос агрегатини танлаш

Томчилатиб суғориш учун насос агрегати модул майдончасига талаб этиладиган сув сарфи ва яратиладиган сув босимига қараб танланади.

Бош қувурдаги брутто сув сарфи  $Q_{б-к}^{бр} = 126,86$  л/сек ва босим тушувлари 3,57 м бўлгани учун қуйидаги насос агрегатини ва унинг характеристикаларини танлаймиз:

насос агрегати маркаси –К 28/8

1) сув сарфи – 28,0 м<sup>3</sup>/соат

2) сув босими – 8 м

3) двигател қуввати  $N_{д.в} = 15$  кВт

### **3.9 Йўл тармоқларини, далани химояловчи дарахт қаторларини лойиҳалаш.**


Хўжаликда йўл тармоқлари қуйидаги мақсадлар учун лойиҳаланади:

а) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини суғориш участкаларидан олиб чиқиб кетиш.

б) қишлоқ хўжалик машиналарини хўжалик бўйича кўчиб юриши ва ҳар бир далага бориш.

в) хўжаликни район маркази ва тайёрлов пунктлари билан боғлаш.

Шунинг учун хўжаликда дала, ички хўжалик йўллари, тармоқлари қурилади. Йўл тармоқлари одатда, асосий суғориш ёки ташловчи каналлар бўйлаб шундай жойлаштириладики, бунда йўللарни сув босмаслиги, кўприклар сони кам бўлиши, энг кам узунликга ва энг яхши эксплуатация шароитларига эга бўлиши шарт.



### Shartli belgilar:

- Paxta ekiladigan maydon
- G'alla ekiladigan maydon
- Boshqa ekinlar maydoni
- Suv o'lchash inshooti
- Sug'orish dalalari maydoni
- Xo'jalik ichki kanali
- Shox ariqlar, lotokli
- Egiluvchan quvurlar
- Xo'jalik ichki kollektori
- Boshqaruvchi zovurlar
- Yig'uvchi zovur
- Shox ariqqa suv olish inshooti
- Muvaqqat ariqqa suv chiqargich
- Yuvish quduqlari
- Nazorat quduqlari
- Birlashtirish quduqlari
- Birlashtirish inshootlari
- Kollektorga suv tushurgichlar
- Dyukerlar
- Ko'priqli to'suvchi inshoot
- Daraxt qatorlari
- Gorizontallar
- Yo'l tarmoqlari
- Suv tashlovchi inshootlar
- Gidrantlar
- Kanaldagi quvur

### ЕР ФОНДИ

| Экин турлари | Нетто майдони, га | Фоииз микдори, % |
|--------------|-------------------|------------------|
| Пахта        | 78                | 48               |
| Бугдой       | 75                | 45               |
| Боғ, узумзор | 10                | 7                |
| Жами:        | 163               | 100              |

Дала йўлларини грунтли қилиб ва даланинг паст томони бўйлаб ички хўжалик йўллари билан бирлашадиган қилиб ва даланинг паст томони бўйлаб ички хўжалик йўллари билан бирлашадиган қилиб лойиҳаланади, йўл четидаги ариқчалар ташлама сувларни чиқариш учун ишлатилади. Йўл ўлчамлари унинг турига қараб қабул қилинади (Практикум, 141 бет). Ҳимояловчи дарахт қаторлари далаларда сувнинг афзалроқ ишлатилиши учун ва шамолнинг таъсирини камайтириш учун лойиҳаланади, уларнинг ердан фойдаланиш чегаралари, алмашлаб экиш далалари, йўл ёқалари, доимий суғориш ва сув ташлаш тармоқлари бўйлаб жойлаштирилади.

Дарахт қаторлари иложи борица каналларнинг дахлсиз қисмида, йўл бўйидаги резервларда кўзда тутилади. Шамол кучли эсадиган районларда ҳар 500 м. дан 5 қаторли асосий ва ҳар бир 1500 м. дан ёрдамчи 3 қаторли ихоталаштириш кўзда тутилади, қаторлар оралиғи 2,5 м, дала томондан 0,3 м. ажратилади, 5 қаторлик эн 10,3 м, 3 қаторли эн эса 5,3 м., шамол ўртача эсадиган районларда асосий 4 қаторли ихоталаштириш ҳар 500 м. дан ёрдамчи эса ҳар 1500 м. дан лойиҳаланади, 4 қаторли эни 7,8 м.га тенг. Шамол кучсиз бўладиган районларда 2,8 м. энли 2 қаторли система жорий қилинади.

### **3.10 Гидротехник иншоотларни лойиҳалаш.**

Хўжаликдаги суғориш ва зах қочириш тармоқларида қуйидаги мақсадлар учун гидротехник иншоотлар лойиҳаланади:

1. Сув сатҳларини ростлаш.
2. Сув сарфларини ростлаш.
3. Бьефларни туташтириш ва сув тезлигини ростлаш.
4. Сув сарфларини ўлчаш.
5. Ҳар хил тўсиқлардан олиб ўтиш.
6. Сув сифатини тўғрилаш ва эксплуатация қилиш.

Сув сарфларини ростловчи гидротехник иншоотларга сув чиқаргичлар, сув оловчи иншоотлар ва бошқалар киради. Сув сатҳларини ростловчи гидротехник иншоотларга сувни дамловчи ва тўсувчи иншоотлар, туғонлар, насослар киради.

Бъефларни тўташтирувчи ва сув тезлигини туғрилайдиган гидротехник иншоотлар тезоқарлар ва шаршаралардир.

Ҳар хил тўсиқлардан суғориш ва зах қочириш тармоқларини олиб ўтувчи иншоотларга акведуклар, дюкерлар, қувурлар, кўприклар ва бошқалар киради. Сув сифатини туғриловчи иншоотларга кузатувчи, назорат қудуқлар ва бошқалар киради. Гидротехник иншоотларни типавий ва йиғма конструкциялардан қуриладиган қилиб лойиҳалаймиз. Уларни яна кечиб ўтишга мўлжаллаб лойиҳалаймиз. Иншоотларни бир ерга тўплаб, кўп мақсадлар учун бирлаштирилган ҳолда лойиҳаланади ва умумий қабул қилинади.

#### **4 Томчилатиб суғориш тизимларини қуриш технологияси.**

Суғориладиган майдонларда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва зах қочириш тармоқларини қайта қуриш бўйича давлат миқёсида махсус дастур ишлаб чиқилиб, унда Республикамиздаги 4270 минг гектар суғориладиган майдоннинг 1700 минг гектаридаги суғориш тармоқларини таъмирлаш ва 900 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини бажариш кечиктириб бўлмайдиган вазифа этиб белгиланган. Шунингдек республиканинг суғориладиган майдонларидаги 4180 дан ортиқ тик қувурларнинг 1874 тасини таъмирлаш, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларидаги суғориладиган майдонларда ва Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган 28 минг километрдан ортиқ коллектор–қувурларнинг 1,8 минг километрини такомиллаштириш ва қайта қуриш, физик ва маънан эскирган насос станцияларини ва жиҳозларини замонавийлари билан алмаштириш, вегетация даврида экинларнинг сувга бўлган талабини қониқтириш мақсадида умумий сифими 3204 млн/м<sup>3</sup> миқдорида бўладиган янги сув омборларини қуриш режалаштирилган. Қурилиш ишларини бажариш усулини танлаш жойнинг шароити, иншоот ўлчамлари, машина–механизмларнинг параметрларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Шунингдек каналларда сув шимилишига қарши турли хилдаги қопламалар ўрнатилади.

Ёпиқ горизонтал қувурни қуриш ишларини қуйидаги усуллар билан бажариш мумкин: траншеяли, тор траншеяли ва траншеясиз. Траншеяли усулда 0,5 м ва ундан ортиқ кенгликда траншея қазилади, ҳамда унга турли материалдан ва ҳар хил усуллар билан – махсус қувур ётқизгичлар ёки қўл кучи билан, қувурларни ётқизиш мумкин. Тор траншеяли усулда қазилма кенглиги 0,25 м гача бўлгани сабабли, қувурларни фақат қувурётқизгичлар билан ётқизилади. Траншеясиз усул билан қуришда траншея қазилмайди, балки 0,2 м кенгликда тешик қирқилади махсус қувурётқизгични ишчи органи билан ва ушбу тешикка қувур ётқизилади.

#### 4.1 Объектнинг қурилиш муддати аниқлаш.

СНиП–1.04.03–85– дан қурилатган тизимнинг асосий тафсилоти – объектнинг участка майдонининг қийматига боғлиқ равишда қурилишнинг умумий муддати аниқланади. Ушбу қурилишнинг умумий муддати 3 қисмдан ташкил топади:

1. Тайёргарлик ишлари муддати:

$$T_{mai} = (10-15)\% T_{kur} \quad (ой)$$

2. Асосий ишлар муддати:

$$T_{ac} = T_{kur} - T_{mai} - T_{muz} \quad (ой)$$

3. Тугатиш ишлари муддати:

$$T_{muz} = (5-10)\% T_{kur} \quad (ой)$$

#### 4.2 Томчилатиб суғориш тизимини қуриш.

##### I. Ишларни бажариш усуллари

Қурилиш жараёнларининг таркиби:

1. Трассани текислаш, ўсимлик қатлами грунтини қирқиш;
2. Қувурларни олиб келиш ва трасса бўйлаб тарқатиш, қувурларни ётқизиш.
3. Қудуқ ва бошқа иншоотларни олиб келиш ва трасса бўйлаб тарқатиш, уларни ўрнатиш.
4. Қайта кўмиш ишлари.

##### II. Ишларнинг ҳажмларини аниқлаш

1. Трассани текислаш, ўсимлик қатлами грунтини қирқиш;  
Қувур трассаси бўйлаб ўсимлик қатлами 10—20 см чуқурликда, қувур тармоғи узунлиги бўйича, 5м гача кенгликда қирқилади.

$$V_{қк} = 5 \cdot (0,1 \div 0,2) \cdot L_3 \quad (м^3)$$

2. Қувурлар; қудуқ ва бошқа иншоотларни олиб келиш ва трасса бўйлаб тарқатиш; қувурларни ётқизиш.

Ҳажми қувурлар узунлиги бўйича аниқланади.

3. Қайта кўмиш. Қувурни ётқизиш учун машина танлангандан сўнг қайта кўмиш ҳажми аниқланади:

– 2 м гача қувурни ётқизишда:

$$V_{қк} = B_{з} \cdot (h_{з} - D_{з} - 0,2) \cdot L_{з} \quad (м^3)$$

– 4 м гача қувурни ётқизишда

$$V_{қк} = V_{қк} \quad (м^3)$$

### III. Машина ва механизмларни танлаш

1. Трассани текислаш, ўсимлик қатлами грунтини қирқиш;

«қазилмача» қазил. (Бульдозер)

2. Ётқизилаётган қувур материали, диаметри ва ётқизиш чуқурлиги бўйича машина танланади. (Занжирли экскаватор, қувурётқизгич)

3. Қайта кўмиш. (Бульдозер)

4.2.1–жадвал. Томчилатиб суғориш тизимларини қуришга технологик харита

| Т/р | Номи                                       | Ўлчов<br>Бирлиги              | Трассани<br>текислаш,<br>қирқиш; | Траншея<br>кавлаш      | Қувурларни<br>ташиш,<br>тарқатиш;<br>ётқизиш | Қайта<br>кўмиш. |
|-----|--------------------------------------------|-------------------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------------------------------|-----------------|
| 1   | 2                                          | 3                             | 4                                | 5                      | 6                                            | 7               |
| 1.  | Ишлар ҳажмлари                             | м <sup>2</sup> м <sup>3</sup> | 221240                           | 11620                  | 4320                                         | 11620           |
| 2.  | Машиналар русуми                           |                               | ДЗ–54                            | Занжирли<br>экскаватор | ЗИЛ–130                                      | ДЗ–54           |
| 3.  | Машиналарнинг<br>соатлик иш<br>унумдорлиги | м3/соат<br>м2/соат            | 106,36                           | 23,2                   | 0,57                                         | 106,36          |
| 4.  | Машина ишлашининг<br>маш–соат сони         | маш.соат                      | 467,6                            | 685,3                  | 376,4                                        | 287,3           |
| 5.  | Ишларнинг<br>давомийлиги                   |                               |                                  |                        |                                              |                 |
|     |                                            | А) соат                       | 281,8                            | 281,8                  | 281,8                                        | 281,8           |
|     |                                            | Б) кун                        | 34,4                             | 34,4                   | 34,4                                         | 34,4            |

|    |                                            |          |      |      |       |      |
|----|--------------------------------------------|----------|------|------|-------|------|
|    |                                            | В) ой    | 1,56 | 1,56 | 1,56  | 1,56 |
| 6. | Ҳисоб китоб бўйича машиналар сони          | Дона     | 0,83 | 0,61 | 0,26  | 0,72 |
| 7. | Қабул қилинган машиналар сони              | Дона     | 1    | 1    | 1     | 1    |
| 8. | Тўпланда машинадан фойдаланиш коэффициенти |          | 0,83 | 0,61 | 0,26  | 0,72 |
| 9. | Ҳажм бирлигида ишларнинг меҳнат сарфи      | Киши–кун | –    | 0,04 | 4,92  | 0,01 |
| 10 | Умумий ҳажмда меҳнат сарфи                 | Киши–кун | –    | 20,8 | 446,7 | 3,27 |
| 11 | Ишчилар сони                               | Киши     | 1    | 1    | 2     | 1    |

Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда аввал танланган модуль майдончада лойихани жойларда тасвирга тушириш ишлари бажарилади, бунда нивелир ва теодолитлар ёрдамида қувур трассалари, тарқатувчи ва ташловчи қудуқлар, иншоотлар ўрни белгилаб чиқилади (СниП 3.01.03–85). Ундан кейин қувур тизимини ўрнатиш учун ер ишлари бажарилади. Бунда траншея қазиш, сув тиндиргични қуриш, ер текислаш, модуль участкаларига йўл тармоқларини қуриш олиб борилади. Траншея қазишда (СниП 3–8–76, СниП 3.т.11–7) махсус траншея қазгич экскаваторлари ЭТЦ–165 қабул қиламиз. Нишабликсиз ерларда МК–16 канал қазгич трактори қўлланилади.

Қазиб олинган тупроқ бир томонлама жойлаштирилади. Траншея эни экскаватор ишчи органи бўйича қабул қилинади (0,6–0,8 м.).

Траншеяни қайта кўмиш С–100 бульдозери ёрдамида бажарилади. Бунда тупроқ текислаб, зичланади. Зичланиш коэффициенти 0,97 гача бўлиши керак. Тарқатувчи ва ташловчи қудуқлар котловани экскаватор ёрдамида қазилади. Қудуқ блокларини монтаж қилиш автокран ёрдамида бажарилади.

Қувурлар агар ечиб олинган бўлса бир–бирига фланецли, агар ечилмайдиган бўлса сваркали бажарилади. Сварка қилишда қувурни қиздириб


бир–бирига ёпиштирилиб маҳкамланади, бунда газ горелкаси ёки лампаси ишлатилади. Сварка қилиш чокли ёки раструб усулида қабул қилинади. Раструб усулида сварка қилиш кичик диаметрли қувурларда (50 мм.гача) қўлланилади.

Полимер қувурларни (ПВД, ПНД) кесиш қўлда кесгич асбоб билан бажарилади.


Қувурлардаги тешикларни махсус тешгич сверлоли асбоб билан тешилади.

Қувурларни монтаж қилиб булгач, томчилатиб суғориш тизими синаб кўрилади. Аввал траншеяни кўммасдан қувурларга сув тўлдириб лойихавий ишчи сув босимида синалади. Синашга йўл қўйиладиган қувур узунлиги 500 м.дан ошмаслиги зарур.


Синов муваффақиятли ўтгач, траншеялар кўмилиб яна охирги синов ўтказилади.



Занжирли ЭТЦ-165 экскаватори  
билан траншея кавлаш




- 1- Траншея ўқи
- 2- Қайта кўмилган гурунт
- 3- Қувур
- 4- Зичланган гурунт



- 1- Зичланган тошли тупроқ
- 2- Қудуқ туби плитаси
- 3- Қудуқ халқаси
- 4- Қувурлар
- 5- Гильза

Қудуқда қувурларни ўрнатиш

- 1- Тақсимловчи қудуқ
- 2- Втулка ПНД 160 С
- 3- Қувур ПНД 160 С
- 4- Оққич Ду=150
- 5- Учлик ПНД 160х110 С
- 6- Оққич Ду=100
- 7- Вутулка ПНД 110 С
- 8- Қувур 110 ПНД С



## **5 Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда хавфсизлик техникаси**

Ўзбекистон Президенти И.Каримов Республикани бозор иқтисодиётига ўтишида “кучли ижтимоий сиёсат” тамойили зарурлигини белгилаб берган. Бунга асосан аҳолини ҳар хил хавфлардан ҳимоялаш мамлакатнинг устивор ва стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ер юзида инсонларнинг барча ҳатти ҳаракатлари ўзларининг ҳаётда манфатдорлигига ва унинг доимий яхшиланиб боришига қаратилган.

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити яхши яшашнинг ва ишлаб чиқаришда унумдорликни оширишининг асоси ҳисобланади. Инсон табиатнинг бир элементи сифатида унда ҳосил бўладиган ҳодисалар, воқеалар ва умуман ўзгаришлар албатта инсоннинг ўзига ҳам таллуқли таъсирини кўрсатади.

Замонавий корхона ва ташкилотлар фаолиятини индустриясиз ёки автоматлашган тизимдан ҳоли деб бўлмайди. Кабинет ишлари, дала ишлари, ҳар қандай иш жойлари ва умуман инсон фаолият кўрсатадиган жойлар албатта хавф хатардан ҳоли бўлмайди. Хавфларни икки ҳолати бор: потенциал (яширин) ва очик. Уларнинг ҳар қандай ҳолатини ҳам асосан инсон фаолияти таъсирида бўлишини билиш зарур. Бундан ташқари улар характери бўйича табиий ва техноген турларга бўлинади.

Табиий характердаги хавфларга тектоник ҳодисалар, метрологик ҳолатлар, геологик ва гидрографик ўзгаришлар ва шунга ўхшашлар киради.

Техноген характердаги хавфларга инсон фаолияти таъсирида содир бўлиши мумкин ва содир бўладиган хавфлар киради.

Ҳар қандай хавфларни очик ҳолатига ўтиши инсонни жароҳатланишига, касалланишига, зарарланишига ва ҳатто ўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бажарилаётган меҳнат фаолияти натижалари бу иш жойи билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган кўп сонли инсонларга ишлаб чиқиладиган маҳсулотлардан ажралиб чиқаётган зарарли омиллар салбий таъсир қилиши мумкин.

Кўнгилсиз оқибатларга қуйидагиларни айтиш мумкин: инсон ҳаётига ва соғлигига зарар етказиш, ёнғинлар, бузилишлар (авариялар), талофатлар (катастрофалар) ва бошқалар. Бу кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи

ходиса, таъсир ва бошқа жараёнлар—хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (потенциал) ва мавжуд (реал) турларга ажратилади

Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: ҳаётга таҳлика, соғлиқга зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашиши.

Хавфсизликни системали таҳлил қилишнинг мақсади кўнгилсиз ҳодиса (авария, ёнғин, жароҳатланиш, касалланиш ва ҳ.к.) ларинг юзага келишига таъсир қилувчи сабабларни аниқлаш ва уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтирадиган олдини олиш чора—тадбирларини ишлаб чиқишдир.

Хавфсизликни таҳлил қилганда энг асосий муаммо системанинг кўрсаткичларини аниқлаш ёки унинг чегаралашдир. Агар системанинг чегараси жуда тор қўйилган бўлса, унда тарқоқ, тизимлашмаган олдини олиш чора—тадбирларини ҳосил қилишга имконият пайдо бўлади, яъни айрим хавфли ҳолатлар диққатдан четда қолиб кетади. Бошқа томондан, агар чегара жуда кенг қўйилса унда таҳлил натижалари умумий, ноаниқ бўлиб қолиши мумкин.

Ҳаёт—фаолият хавфсизлигини бошқариш деганда кўзда тутилган натижаларга эришиш учун “инсон—муҳит” системасига ташқилий таъсир қилишни тушунамиз.

Ҳаёт—фаолият хавфсизлигини бошқариш — бу объектни онгли равишда бир ҳолатдан (хавфли) бошқа бир ҳолатга (хавфсиз) ўтказишдир.

Ҳаёт—фаолият хавфсизлигини бошқариш воситаларини қуйидаги жиҳатларга ажратиш мумкин: физиологик, психологик, ижтимоий, тарбиявий, эргономик, тиббий, техник, ташқилий—оператив, ҳуқуқий ва иқтисодий.

**ХФХ нинг айрим кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш. Бинони ва иш жойни шамоллатиш.**

1. Иссиқ ҳаракат фарқиға ҳаво ҳаракати:

$$H_T = 9,8 \cdot h_H (\gamma_{вН} - \gamma_{вв})$$

бу ерда:  $h_H$  — кириш ва чиқиш жойлари ўрталаридагимасофа, м;

$\gamma_{вН}$ ,  $\gamma_{вв}$  — ичкаридаги ва ташқароидаги ҳавонинг зичлиги.

2. Шамол ҳисобига бўладиган ҳаво ҳаракати

$$H_{\epsilon} = \pm \varphi \nu^2 \gamma_{\epsilon H}$$

бу ерда:  $\varphi$  – эксперимент қиймат;

$\nu_{\epsilon}$  – шамол тезлиги,

+ босим;

– бўшатиш

3. Ҳавони алмаштириш  $\dot{W}_{\epsilon p}$

$$W_{\epsilon p} = m_{\epsilon} - m_o - m_H$$

бу ерда:  $m_{\epsilon}$  – зарарли газларни ажиратишмиқдори;

$m_o$  – зарарли газларнинг рухсат этилган энг юқори миқдори;

$m_H$  – зарарли газларнинг ташқи ҳаводаги миқдори, у бино ичига киради.

1. Биноида ҳаво алмаштириш учун вентилятор иш унумдорлигини қуйидагича ҳисобланади:

$$\dot{W}_{\epsilon} = K_3 \cdot W$$

бу ерда:  $K_3$  – захира коэффициенти (1,3 ÷ 2,0).

### **Биоларни (иш жойлариини) совутиш**

Биоларни совутиш учун совуткичлар саноатда ишлаб чиқарилади. Уларнинг  $\dot{W}_c$  иш унумдорлиги техник кўрсаткичларида берилади. Уларни танлашда қуйидаги шароит ҳисобга олинади.

$$W_o < W_c$$

### **Биоларни (иш жойлариини) иситиш**

Иситиш қуйидагича бажарилиши мумкин: одатдаги печка, электр печка ва газ бўлиши мумкин, марказий иситиш тармоғи ёрдамида иситиш (иссиқ сув, сув буғи, ҳаво ва буғ ҳаволи). Саноатда махсус иситкичлар (калориферлар) ишлаб чиқилади. Паст босимли (70 кПа гача) ва юқори босимли (70 кПа дан юқори).

### **Шовқин ва титраш.**

Шовқин кам частотали (300 Гц. гача), ўртача частотали (300–800 Гц) ва юқори частотали (800 Гц. дан юқори). Шовқин 9 та октавага бўлинади: 31,5; 63; 125; 250; 500; 1000; 2000; 4000; 8000; Гц.

Титрашнинг тебраниш даражаси (L, дБ) қуйидагича ҳисобланади

$$L = 10 \lg \nu_{\delta}^2 / \nu_0^2 = 20 \lg \nu_{\delta} / \nu_0$$

Бу ерда:  $\nu_{\delta}$  – ўлчаш жойидаги тебранма тезлик;

$\nu_0$  – тебранма тезликнинг бўсағавий қиймати  $\nu_0 = 5 \cdot 10^{-8} \text{ м/с}$ .

### Биоларни ёритиш.

Ёруғлик табиий ва суъний турларга бўлинади. Табиий ёртилганлик (фоизда) қуйидагича ўлчанади.

$$\ell = \frac{E_u}{E_T} \cdot 100\%$$

$E_u$  – бино ичидаги белгиланган юзадагги ёруғлик, лк.

$E_T$  – белгиланган юзадан ташқаридаги ёруғлик, лк.

5.1 жадвал. Метереологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўлчаш асбоб ва қурилмалари

| № | Кўрсаткичлар             | Асбоб, қурилмалар номи                                                                                              |
|---|--------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Ҳаво ҳарорати, °С, К     | Термометр                                                                                                           |
| 2 | Ҳаво ҳаракати, м/с       | Катотермометр 0,3 м/с гача;<br>Қанотли анемометр 0,3 м/с дан юқори (АСО-3);<br>Юқори тезликда идишли анемометр М-13 |
| 3 | Ҳаводаги газ ва буғлар   | Газоанализатор ПГВ;<br>Газоанализатор УГ-2;                                                                         |
| 4 | Электр ва магнит майдони | ИЭМП-1 (1,5–100МГц),<br>ИЭМП-2 (100–МГц–50 Гц),<br>400 кВ, 50 Гц–ПЗ-1.                                              |
|   | Ёруғлик                  | Люксметр Ю-116                                                                                                      |

|    |                           |                                                                          |
|----|---------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| 6  | Шовқин (шум)              | Шумомер–71;<br>ВШВ–003 (шовқин ва титрашни ўлчаш учун)                   |
| 7  | Титраш                    | Виброметр НВА–1;<br>ИШВ–1                                                |
| 8  | Радиация ва кимёвий ҳолат | Дозиметр–ДП–5;<br>Шахсий дозиметр–22В;<br>ВПХР (кимёвий разведка асбоби) |
| 9  | Электр ўтказгич қаршилиги | Омметр                                                                   |
| 10 | Электр кучланиш           | Вольтметр                                                                |
| 11 | Ток кучи                  | Амперметр                                                                |
| 12 | Намлик                    | Аспиратор;<br>Психрометр                                                 |

### **5.1 Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда хавфсизлик техникаси**

Томчилатиб суғориш тизимларини қуришда СНиП 3–4–80, ГОСТ 12.1. 004–76, ГОСТ 12.3. 003–75 талабларига риоя этиш зарур. Бунда монтаж ишларига 18 ёшга етмаган, тиббий кўрикдан ўтмаган, хавфсизлик техникасидан инструктаж олмаган шахсларни қўйилмаслиги зарур. Хавфсизлик техникасидан инструктаж ўтказиш ҳар кварталда камида бир марта ўтказилиши керак.

Пайванд қилиш (сварка) ва монтаж ишларига юқори нафас органлари касалликлари билан оғриган шахслар қўйилмаслиги зарур.

Қувурлар жамланган ерларда олов ёқиш, енгил ёнадиган модда ва материалларни қўйиш маън этилади.

Қувурларни кесиш ва пайванд қилишда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ашъёлари мавжуд бўлиши шарт. Қувурларни кесишда уларни қисгичлар билан маҳкамлаш зарур.

Қувурларни пайванд қилишда меъёрдан ортиқ қиздириб юбормаслик, ёқилғи мойлаш моддаларининг олов ёнида бўлмаслиги лозим.

## **5.2 Мехнат муҳофазаси**

Ирригация тизимлари бошқармаларида ишловчилар сони қараб меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис тайинланади. Ишловчиларни янгидан ишга қабул қилишда техника хавфсизлиги тайёрлигидан ўтказилади. Уларни меъёр бўйича белгиланган муддатда қайта ўқитиш ва аттестациядан ўтаказиш ишларини ташкил этилади.

ИТБ балансида кўплаб техникалар, машиналар, асбоб–ускуналар бўлади. Улар бажарадиган вазифалари бўйича мелиоратив, транспорт ва бошқа турларга бўлинади. Ҳар бир машина, техника ва асбоб–ускуналар ўзининг техник паспортига эга бўлиши лозим, инвентар тартиб рақами мавжуд бўлади. Уларнинг мавжудлиги ҳақида махсус журналда қайд этилади. Ташкилотнинг буйруғи билан механизатор ёки бошқарувчига беркитилади. Маъмурият хизмат кўрсатувчини эксплуатация қилиш бўйича йўриқнома билан таъминлайди.

Машина ва механизмлар таркибига асосан экскаваторлар, зарур–ётқизувчи, канал қазғичлар ва бошқалар киради. Улар ўз навбатида тузилиши, бошқарилиши, юриш қисми, ишчи аъзоси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича турларга бўлинади. Сезиларли тезлик ва ҳаракатга эга бўлган машина ва механизмлар овозли ва ёритгичли мосламалар билан жиҳозланиши шарт. Улардан зарурият бўлганда машинист томонидан фойдаланилади. Машина ва механизмларнинг ҳаракатланиш қисмлари (кардан, шкиф ва бошқалар) ҳимоя мосламаси билан жиҳозланади. Уларни ўрнатишда ходимни ҳимоялабгина қолмай машина ва механизмларга хизмат кўрсатишда ҳам ортиқча тўсиқ бўлмасин. Улар ишлаётган ҳолатда тез–тез кузатувни талаб этиладиган ишларда жой енгил йиғиладиган ва йиғиштириладиган мосламалардан фойдаланиб тўсилади.

Машина ва механизм кабиналарида очиқ чанг кирадиган тешиklar ва очиқликлар бўлмаслиги керак. Ричаклар, педаллар ва бошқа деталлар ўтадиган жойлардан ғилоф (пўльник) бўлиши муҳимдир. Чунки мелиоратив техникалар доимо чанг кўтариладиган жойларда ишлайди. Кабинадаги сунянгич ва

Ўтиргичлардан бўртган жойлар, пружинани чиққан жойлари бўлмаслиги керак. Ўтиргичлар ҳайдовчининг ўлчамларига мослаштирилади, яъони кўтарилади, ўлчамларига мослаштирилади, яъни кўтарилади, туширилади, ётқизилади, сурилади ва бошқалар.

Мелиоратив техникаларни кечки смена (қоронғида) ишлаши учун тайёрланади. Бунинг таркибида техника чироқларини созлиги таъминланади, кабина чироғи ҳам иш ҳолатида бўлиши керак. Назорат ўлчов приборларни ёриткичлари ҳам соз бўлиши керак. Шу билан бирга кўчма узаядиган чироқ ҳам бўлиши лозим. Акс ҳолда техникани ишлатишга рухсат этилмайди.

Механизмларни ёқилғи билан заправка қилиш, бунинг учун кўчма ёқилғи қуйиш механизмларидан фойдаланиш мелиоратив техникалардан фойдаланиш характерлидир. Улар керакли жиҳозлар билан таъминланади, яъни ёқилғи ҳайдаш насоси (насос ва қўл насоси). Ёқилғи қуйиш машиналари норматив бўйича ёнғинга қарши мосламалар билан жиҳозланади.

Машиналарни ишга туширишдан олдин совитиш, мойлаш системаларида сатҳ текширилади. Гидросистемадаги суюқликнинг нормада бўлиши текширилади. Зарурият бўлса, яъни белгиланган миқдордан кам бўлса уни нормага келтириш керак. Бунинг учун системага керакли суюқлик қўйилади.

Совуқ иқлимли мавсумларда механизмлар жойлашган қурилиш майдонида двигателларни иситиш чоралари кўрилади. Двигателларни иситишда иссиқ сувдан, сув буғидан, иситкичлардан фойдаланиш усуллари билан ва қурилмалари мавжуд.

Механизм юргизгичини арқон билан ҳаракатга келтириладиган бўлса арқонни қўлга ўраш керак эмас, ун панжалар орасидан ўтказиб ушлаш тавсия этилади.

Механизмларни жойидан қўзғатишда овозли сигнални ишлатиш билан кутилмаган кишиларни механизмда ёки унинг атрофида бўлмаслиги огоҳлантирилади. Унга тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан сўнг ҳаракати бошланади.

Механизмларнинг гидросистемасидан (шланг, насос, вентиллар, гидроцилиндрлар, распределителлар) суюқлик оқмаслиги керак, жиҳознинг ўз–

ўзидан ҳаракатланиши (масалан стрелани, ковшни ва бошқалар) тушиб кетмаслиги керак.

Экскаваторнинг хартумида (стрелксида) ёрилган, қийшайган ёки заклепки кўчиб қолган жойлари бўлмаслиги керак. Мелиоратив техникада ишловчиларни электр токидан ҳимоялаш учун уни ерга уланади (заземление). Чакмоқ вақтларида ишни тўхтатилади.

Мелиоратив ишларни характеридан келиб чиқиб мелиоратив техникалар ҳам кўчириб турилади. Шу сабабдан механизмларни, техникаларни кўчириш ташиш ишларида ҳам айрим кутилмаган хавфлар содир бўлиши мумкин. Уларни олдини олиш учун ташқиси ишларида ҳам техника хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Кўплаб оғир техникалар занжирли юриш қисмига эга, айримлари эса оғир вазнга эга, 5т ва ундан кўп. Кўчириш масофаси ҳам ҳар хил бўлади. Мелиоратив техникаларни ташишда оғир юк ташувчи тиркамалар, юк машиналари, темир йўл транспорти кабиллардан фойдаланилади. Техникаларнинг айрим турларини буксири (шатакка) олиб ҳам ташилади. Қисқа масофаларга эса ўз юриши билан ҳам ташилади.

Техникаларни юклаш ва ташиш махсус жавобгар шахс кузатувида амалга оширилади. Уни маъмурият томонидан тайинланади. Техникаларни юклагандан сўнг яхшилаб маҳкамланади. Экскаваторни ташишда юриш қисмига тормқловчи–тўсувчи мосламалардан фойдаланиб маҳкамланади. Стреласи экскаватор томи сатҳидан паст бўлмаган баландликка туширилади. Ўлчамлари ҳаддан ташқари катта бўлган техникаларни ташишда давлат йўл ва автомобил инспекцияси билан келишилади. Бунга наряд–рухсатнома берилиши лозим. Бу ишда маршрутни ҳайдовчиларга тушинтирилади, улар аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Ташилаётган (юклаб) техника кабинасида ва устида одамлар бўлмаслиги керак. Техникаларни темир йўл транспорти билан ташилганда темир йўл маъмурияти кўрсатмаларига тўлиқ амал қилинади.

Драглайн туридаги экскаваторларни ташилганда стреласи юриш ўқи бўйича пасайтирилади, ковши эса ердан 0.5–0.7м баландликда кўтарилган бўлиши керак.

Шатакка олинадиган ғилдиракли техникалар, вагонлар вазни буксирга олуwчи механизм вазнидан камида 2 марта кам бўлиши керак. Акс ҳолда рухсат этилмайди. Буксирга олаётган машина ёки тракторнинг қуввати буксирга олинаётган техника қувватидин кам бўлмаслиги керак. Шатак мосламаси кераклича мустаҳкамликка 3 га бўлиши лозим. Уни ишлатганда кафолат мосламалари ҳам яхши маҳкамланиши керак. (кафолат мосламаси шатак мосламасини илгакдан чиқиб кетишини, порковкани очиб кетишига йўл қўймаслик учун ишлатиладиган воситалар ҳисобланади).

Иккита ва ундан техникани буксирга олиш умуман рухсат этилмайди, қатъиян тақиқланади.

Техникани ярмини шатакка олуwчи техника устига юклаб ташишда техника кабинасида (шатакка олинувчи одам бўлмаслиги керак).

Буксирга олишда қаттиқ ёки эгилувчан (тросс) воситаларидан фойдаланганда техникалар орасидаги масофа 4–6 м бўлиши лозим. Эгилувчан мосламаларнинг ҳар бир метрига кўринувчи белгилар (байроқча – латта) осиб қўйилиши керак.

Электр ўтказгичлар остидан техникаларни ўтказишда алоҳида эътибор зарур. Иложи борича таянчлар (столбалар) га яқин жойда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Симларни осилган жойларидан ўтказишда электр хавфи вужудга келади.

Мелиоратив техникаларни катта қияликка эга бўлган жойларда ташиш иложсиз ҳолатлардагина рухсат этилади. Иншоотлардан ўтказишда уларнинг мустаҳкамлиги тўлиқ текширилиши лозим. Мустаҳкамлиги қаноатлан-тирмайдиган жойларда қўшимча мослама ва қурилмалардан фойдаланиш керак.

Аксарият техникалар гидравлик бошқарув тизимига эга. Механизмларни хавфсиз ишлатишда гидротизимларнинг нормал ишлаши асосий рол ўйнайди. Бунинг учун гидротизимлардаги суюқлик миқдори насос ва бошқа жойлардаги клапнлар яхши ишлаши лозим.

Ҳавони совуқ вақтларида техниканинг совитиш тизимида махсус суюқлик (антифриз ва бошқалар) ишлатилади. Двигателни ишга солишдан олдин ҳар доим

совитиш тизимидаги суюқлик мавжудлиги текширилади, керак бўлса тўлдирилади. Қиш вақтлари двигателни иситиш учун алангаланувчи мосламалардан фойдаланиш қатиян тақиқланади. Бунинг учун иссиқ сув, сув буғи, иссиқ ҳаводан фойдаланиш тавсия этилади.

Механизмларни ишлатиш объектлари авваламбор лойиҳа қилинади. Лойиҳа ишчи чизмаларида механизмларни ҳаракатланиш, грунтни кўчириш ҳаракат схемалари кўрсатилган бўлиши керак. Шу билан бирга механизмларни бошқараётган механизаторлар уларни ишлатишдаги хавфсизлик талабларини билиши керак.

### **Ёнғин хавфсизлиги**

Ирригация тизимлари бошқармалари бошқарув биноларида ёнғин хавфсизлиги бўйича маъсул шахс бўлади. у шу бинонинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун маъсул ҳисобланади. ИТБ биносида ўт ўчириш яшиги, ўт ўчиргичлар кўз кўрадиган жойшга жойлаштирилади. шу билн биргаликда ёнғин хавфсизлигига доир тарғибот ва ташвиқот материаллари жойларга ўрнатилиб қўйилади.

Машина механизмларда ёқилғи томиб туришига йўл қўйилмайди. Механизмларнинг совитиш системаси яхши ишлаши лозим, совитувчи суюқлик оқишига йўл қўйилмайди. Механизмларнинг мойлаш тизимидан мойнинг оқишига йўл қўймаслик керак. Агарда бундай ҳолат мавжуд бўлса уни тездан тузатиш чоралари кўрилиши лозим. Совуқ кунларида техникаларнинг двигателларини олов ёқиб қиздириш қатиян манн этилади.

Дала шароитида ҳам мелиоратив техникаларни таъмирлашга тўғри келади. Бундай ҳолатларда махсус тайёрланган майдончаларда ва ҳудуддаги мавжуд бинолар ва бостирмалардан фойдаланилади. Бунда жой аввало тайёрланади, бегона предметлардан тозаланади. Ёнғин хавфи бор предметлар йўқотилади, тозаланади ва бошқалар.

### **Биринчи тиббий ёрдам**

Ирригация тизимлари бошқармаларида ишларнинг амалга оширишда ишчи ходимлар жабрланиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга биринчи тиббий ёрдам

кўрсатилади. ИТБ ларда инсонларнинг асосий қуйидаги жароҳатланишлари кўп учрайди:

Синишлар ва лат ейишлар. Инсон организмида суякларнинг синиши ёки чиқишини шу жойнинг ишиб кетиши, одатий бўлмаган қийшайиш ва оғриқ туфайли аниқлаш мумкин. Бундай пайтда биринчи вазифа шикастланган бўғинларни қўзғалмайдиган тинч ҳолатини сақлаш керак. Лат еган жойни яхлатиш зарурдир. Бу тадбир оғриқни қолдириш билан биргаликда зарар етмаган жойларга ҳам путур етказмасликни таъминлайди ва у ўринда беморни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. Бундай ҳолатни сақлаш синган ёки чиққан жойга фанер, картон шиналар қўйиш ёрдамида таъминлаш мумкин. Шиналарни қўйиш ва уни боғлаш вақтида имкон қадар лат еган жойни аввалги ҳолатини ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак.

Қовурғалар синган ҳолатда йўталиш, нафас олиш ва ҳаракат натижасида қаттиқ оғриқлар сезилади. Оғриқларни олдини олиш учун беморнинг кўкрак қисмини бинт ёки сосиқ ёрдамида нафас чиқарган пайтда боғлаб қўйиш керак. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, жароҳатланган жойга йод суртиш ёки иссиқ компресс қўйиш қатъиан манъ этилади. Чунки бу ҳолат оғриқни янада кучайишига олиб келади. Қўл суяклари синган ҳолларда бошқа ҳоллар каби шинадан фойдаланилади. Агар шина бўлмай қолса қўл бўйинга осиб қўйилади ва бинт ёки мато билан гавдага маҳкам боғлаб қўйилади.

Электр токидан шикастланиш. ИТБ ларда авариялар содир бўлганда ёки табиий офат содир бўлганда кўпинча одамларни ток уриб шикастланиши мумкин. Бундай ҳол шикастланган кишилар ва қутқарув ишларини олиб бораётганлар билан ҳам юз бериши мумкин.

Электр токидан шикастланган киши организмида тананинг айрим жойларида умумий ёки маҳаллий ўзгаришлар юз беради: тери куйиши, юмшоқ тўқималарнинг куйиши, асаб тизимини ишан чиқиши, нафас олишнинг тўхтаб қолиши ва у кабилар.

Электр токи урган кишини зудлик билан ток таъсиридан қутқарилади. Бунинг чун ток манбаадан ўчирилади, ёки шикастланган кишини ток ўтаётган симдан ажиратиб олинади.

Кучланиш 1000 В гача бўлган электр токи таъсиридан қутқаришда курук тахта, аркон, ёғоч калтак, резина, диэлектрик қўлқоп, ёки ток ўтказмайдиган бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин.

Агар кучланиш 1000 В дан ортиқ бўлса махсус штанга ва омбирдан фойдаланиш зарур. Қутқараётган киши ҳам албатта диэлектрик қўлқоп ва резина пойафзал кийиб олиш керак.

Ток таъсиридан қутқарилган киши хушида бўлса текис жойга ётқизиблиб тоза ҳаво билан таъминлаш керак. Агар ток урган киши беҳуш бўлса зудлик билан сунъий нафас олдирилади ва юраги массаж қилинади. Сунъий нафас олдирилаётганда шикастланган кишини зах ерга, бетон полга ётқизиб бўлмайди. Биринчи ёрдам кўрсатаётган киши тез ва пухта ҳаракат қилиши керак.

Сувга чўкишда биринчи ёрдам. Сув омбори, канал, гидротехника иншоотларида ишловчи ходим, суза билиши, эшкак олиш, қайиқни бошқара олишни керак. Шу билан бир қаторда чўккан одамни қутқариб биринчи ёрдам кўрсатишни билиши зарур. Сувга чўкаётган кишига ёрдам бериш учун иложи борица унинг орқа елкаси томонидан келиб сочидан ёки кийимда бўлса унинг елкасидан тортиб сувдан чиқариш зарур. Агар чўкаётган киши қутқараётган киши ҳаракатига ҳалақит берса, унда қутқараётган одам бу ҳолатдан тезроқ қутулиб, ёрдамни давом эттириши керак.

Сувдан чиқариб олинган кишини териси кўкариб, томирлари шишган бўлса қутқарилган кишини бошини кўкрагидан паст қилиб, қорни билан ёрдам бераётган кишининг букилган тиззасига ётқизилади. Сўнгра бармоққа даструмол ёки тоза дока ўраб унинг оғзи ва томоғи бегона нарсалардан тозаланиб ташланади. Кейин орқа елкаси томондан икки кўрак ўртаси босилади, шунда ўпка, ошқозонга тушган сувлар ташқарига чиқиши керак. Бу ишни тезда амалга оширилмаса чўккан одам ичидаги сувлар 4–5 минутдан кейин қонга ўтиб у ҳалок бўлиши мумкин.

Агар сувдан қутқарилган кишининг териси оқарган бўлса, унинг нафас йўллариغا сув кирмаганлигини билдиради. Бундай ҳолда зудлик билан бурун ёки оғизга ҳаво пуфлаш, юкни массаж қилиш усули билан суъний нафас олдиришга киришиш зарур.

## 6 Табиатни муҳофаза қилиш

**Худуддаги экологик ҳолат тавсифи ва тадбирлар тўплами**  
Лойихада сувдан фойдаланиш лимитли асосда кўзда тутилган. Сувдан фойдаланиш лимити административ территориал принципида белгиланади ва жумҳурият қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

Сув тўғрисидаги қонунга кўра, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчилар қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

1. Белгиланган сувдан фойдаланиш тартибига, режасига, қойидаларга, меъёрларга ва режасига, ҳамда сувдан фойдаланиш турлари бўйича ва сув ташлаш бўйича сув ҳисобига ўтказишга.

2. Хўжалик ички суғориш, зах қочириш тизимлари, гидротехник иншоотларини техник ишчи ҳолатда сақлашга.

3. Мелиорация қилинадиган ерларни комплекс қайта қуришга ва қишлоқ хўжалиги экинларни суғоришнинг маълум ва тежамкор режимини ўтказишга.

4. Тежамкор суғориш техникаси ва технологияси қўллаш орқали суғориш усуллари ва методларини такомиллаштиришга.

5. Сув мониторинги асосида салбий жараёнлар оқибати ва сабабларини йўқотишга.

6. Мақсадли қўлланишга мос ҳолда сувдан фойдаланиш афзаллигини оширишга ва бошқалар.

Лойиҳаланган ҳудудда экологик ҳолат қуйидагича:

